

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА ҚАСБ ҚАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСКАНДАРОВ А.Б.

ИПАК ЙИГИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА
ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИ МЕХНАТ ШАРОИТИНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ

ОЗДОРОВЛЕНИЕ УСЛОВИЙ ТРУДА ЖЕНЩИН,
РАБОТАЮЩИХ НА ШЁЛКОПРЯДИЛЬНЫХ
ПРОИЗВОДСТВАХ

ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСКАНДАРОВ А.Б.

ИПАК ЙИГИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА
ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИ МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ
Услубий тавсиялар


ОЗДОРОВЛЕНИЕ УСЛОВИЙ ТРУДА ЖЕНЩИН,
РАБОТАЮЩИХ НА ШЁЛКОПРЯДИЛЬНЫХ
ПРОИЗВОДСТВАХ
Методические рекомендации

Тошкент – 2021 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фан ва таълим
бошқармаси бошлиғи
т.ф.л. профессор


У.С. Исмаилов
« 15 » 01 / 2021 й.

БИПАК ЙИГИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА
ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИ МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ

(услубий тавсиянома)

«ТАСДИҚЛАЙДИ»

У.С. Исмаилов савлла
санитария илмий факультетини
муҳрифлари билан

15.01.2021
У.С.И.

Тошкент – 2021

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ МУАССАСА:

- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (ЎзР ССВ СГКК ИТИ)

МУАЛЛИФ:

- **Искандаров А.Б.** - СГКК ИТИ да катта илмий ходим, тиббиёт фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

ТАҚРИЗЧИЛАР:

- **Зарединов Д.А.** - Тош ВМОИ гигиена кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

- **Садиков А.У.** - СГКК ИТИ да бош илмий ходим, т.ф.д., профессор

Ушбу услубий тавсиялар СГКК ИТИ Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва мақуллашган (2020 йил “ 9 ” октябрдаги 8-сонли баённома)

Ушбу услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган (2021 йил “ 15 ” январдаги 8 н - р/28-сон билан)

Ушбу услубий тавсиялар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати меҳнат гигиенаси бўйича амалиёт шифокорлари учун, ЎзР си ипак йиғириш корхоналаридаги меҳнат бўлими ва техника хавфсизлиги хизмати мутахассислари, тиббиёт ОЎЮ нинг гигиена кафедралари ўқитувчилари, тармоқли ИТИ ларини илмий ходимлари учун мўлжалланган.

1. КИРИШ

Профилактик тиббиётни ривожланишини замонавий босқичида ишчиларни касбий хатарлардан химоя қилиш муаммоларини ҳал қилишга ва уларни саломатлигини сақлаш, янги модернизациялашган ишлаб чиқариш корхоналарни зарарли ишлаб чиқариш омилларини, уларни организмни функционал ҳолатига таъсир кўрсатишини аниқлаш ва кейинчалик ножўя таъсир қилишни олдини олишни чораларини ишлаб чиқиш тадқиқотларни етакчи йўналиши бўлиб илмий-асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ипакка ишлов бериш саноати иқтисодий энг ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади, яъни у ерда аёлларни катта контингенти банд бўладилар.

Ўзбекистонда ипак-шойи ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Фарғона, Марғилон, Бухоро, Наманган, Урганч, Андижон ва бошқа шаҳарларда йирик ипак тортиш ва ипак тўқиш комбинатлари ва фабрикалари ишлаб турибди ва у ерда асосан аёллар ишлайди. Янги импорт ускуналар билан жихозланган қўшма корхоналар яратилмоқда, янги замонавий технологияларни тадбиқ этилмоқда, яъни ипакчилик соҳаси корхоналарида меҳнат шароитини ўзгаришига, жадалликни, асаб-эмоционал зўриқувчанликни ва меҳнат жараёнини интеллектуаллигини ошишига олиб келади. Шунингдек ишлаб чиқариш омилларини (ишчи ҳудуд ҳавосини чангланиши, шовқин, тебраниш, ноқулай микроиқлим) тавсифловчи параметрларни даражаси ҳам ўзгариб, ишлаётган аёллар меҳнат фаолияти жараёнида уларни организмга қўшимча талабларни ҳосил қилади.

Меҳнат шароитини яхшилаш бўйича гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш (шовқинни рухсат этилган катталикларгача камайтириш, меъёрий метеорологик шароитларни таъминлаб бериш, турли хил кўрувга оид ишларда ёритувчанликни мақбул бўладиган даражаларгача етказиб бериш), меҳнат қилиш ва дам олишни мақбуллаштириш — долзарб масалалар, яъни уларни ҳал қилиш аёлларни меҳнат шароитини яхшилайти, уларни юқори меҳнат қобилиятини ва меҳнат унумдорлигини сақлайди.

Ушбу услубий қўлланмалар П-14.4.18 сонли «Ўзбекистонда ипак тўқиш саноатида банд бўлган аёлларнинг меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва ишлаб чиқариш омилларининг улар организмга ножўя таъсирининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш» давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган бўлиб, Ўзбекистонни замонавий, модернизациялашган ипак йиғириш ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган мажмуавий физиолого-гигиеник тадқиқотларга асосланган. Ушбу услубий қўлланмаларда ишлаб чиқариш микроиқлимини, шовқинни,

ёритилганликни, ипак йигириш ишлаб чиқаришига хос бўлган ишлаётган аёлларни меҳнатини физиологик тавсифини гигиеник баҳолаш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Олинган тадқиқотлар натижалари асосида ипак ипларини ишлаб чиқариш корхоналарида банд бўлган аёлларни меҳнат шароитини соғломлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

2. ИПАК ИПЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ШАРОИТИ ВА ТАВСИФИНИ ГИГИЕНИК ВА ФИЗИОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Кейинги ипак иплари ишлаб чиқариш корхоналари учун ипак толасидан йигирилган ипни тайёрлаш мураккаб технологик жараён бўлиб, ипакчилик чиқиндиларидан аста-секин шаклландиган йигирилган ип билан хулосаланади.

Ипак чиқиндиларига ишлов бериш пиллаларни яроксизликка чиқариш ва яроксиз пиллаларни, пилла пўстини кесиш, пиллани тортмасликдан, одонколарни олиб ташлашдан; елимлигини буғ билан олиб ташлашдан, сода ва совун билан ювиб ташлашдан, центрифугада сиқишдан, қуритишдан, тобига келтиришдан бошланади. Шундан сўнг бирламчи хом ашё тортиб кўрилади, сараланади, аралаштирилади, юмшатилади, титишдан, параллелизация ва толаларни тортишдан ўтказилади, кейин эса тароқли титиш машиналарда калта толалари ва ахлатли аралашмалари олиб ташланади. Якуний титишдан, толаларни тасмали машиналарда параллелизация қилиш ва тортишдан сўнг 1 – 2 – 3-чи ўтиш тасмалари олинади. Пишитилган иплар йигириш машиналарида йигирилган ип ишлаб чиқарилади, яъни ушбу йигирилган иплар бир-бирини такрорлайдиган машиналарда қайтадан ўраб чиқилади (йигирилган ипни жойлаштириш), ип пишитиладиган машиналарда бураб пишитилади (пишитилган ипни олиш), ип ўраладиган машиналарда қайта ўралади, шундан кейин ипдаги ортикча килларни ва ғуддаларни олиб ташлаш учун газли куйдириш амалга оширилади. Шундан сўнг йигирилган ипларни ингичка, қалин ва бўш жойларини бартараф қилиш учун ипларни якуний қайта ўраш амалга оширилади. Ипак ипини олишни барча технологик жараёни қуритувчилар, титувчилар, тасмачилар, хом ип ясайдиганлар, ипни пишитувчилар, йигирувчилар, ипни ўровчилар ва газ билан куйдирувчилар томонидан бажарилади.

Биринчи босқичда ипак чиқиндиларга ишлов беришни технологик жараёни (яроксизликка чиқариш, кесиш, елимлигини олиб ташлаш, ювиб ташлаш ва бошқалар) чангсиз, чангни аҳамиятсиз миқдори пилла чиқиндиларини яроксизликка чиқаришда ва кесганда, қадоқлаганда, саралаганда ва

аралаштирганда ишчиларни нафас олиш зонасида мавжуд бўлиб, чанг концентрацияси бу ерда ўртача $2,2 \pm 0,1$ мг/м³ ни ташкил қилади. Тайёрлаш участкаларида титиб-юмшатиш, реверсионлаш, тараб-титиш машиналарида титганда таралган толаларни олиш титиш ва штапеллайдиган машиналарда чанг ютгичларни етарлича самарали ишламаслиги ва зичлашмаганлиги сабабли чангни катта миқдорда ажралиши билан кечади. Ипак чанги машиналардан чиқиб ишлаб чиқариш корхонасини хоналарини ҳавосига келиб тушади ва машинани устки юзасига, деворларга, полларга, труба-ўтказгичларга ва бошқаларга чўқади. Чанг миқдори $9,2 - 14,8$ мг/м³ атрофида бўлади, чанглиликни ўртача даражаси $12,8 \pm 1,2$ мг/м³ ни ташкил қилади.

Ипак чангини ўлчамаи 5 мк бўлса $15 - 20\%$ ни, 5 - 10 мк бўлса - $55 - 60\%$ ни, 10 мк кўп бўлса - $20-30\%$ ни ташкил қилади, чангни органик қисми 16% ни, органик бўлмаган қисми 84% ни ташкил қилади, ипак чангини рухсат этилган концентрацияси 6 мг/м³.

Ип йигириш ва бир-бирини такрорлайдиган ишлаб чиқариш жараёнлари шунингдек ипак чангини ҳосил қилиш билан кечади, нафас олиш зонасида унинг ўртача концентрацияси $7,0 \pm 0,1$ дан $7,2 \pm 0,2$ мг/м³ гача бўлади. Ипак ипини пишитиш ва қайта ўрайдиган ишлаб чиқариш участкаларида ип пишитувчи ва ипни ўрайдиган ишчи аёлларни нафас олиш зонасида ипак чанги аниқланди, лекин унинг концентрацияси РЭЖ (рухсат этилган концентрация) сидан пастроқ бўлиб, ўртача $5,4 \pm 0,2$ мг/м³ тенг.

Газ билан куйдирувчи ишчи аёлларни иш жойларида чанглиликни анчагина юқори даражалари куйдириш участкасида бўлади. Чангнинг ўртача концентрацияси бу ерда $8,6 \pm 0,4$ мг/м³ ни ташкил қилади. Бундан ташқари, газ билан куйдирувчи ишчи аёлларни ишчи ҳудудларида углерод оксиди билан ифлосланган, унинг ўртача концентрацияси $28,4 \pm 1,6$ мг/м³ га тенг ва углерод чегараси, яъни уларнинг ўртача концентрацияси углеродни (С) ҳисоблаб чиқилганда $330,6 \pm 2,4$ мг/м³ га тенг бўлади.

Чанглиликни кўрсаткичи бўйича ипни курутувчилар ва ипни пишитувчиларни меҳнат шароити зарарликни 1-чи даражасини 2-синфга киради, ип йиғирувчилар ва ипни газ билан куйдирувчилар эса зарарликни 1-даражасини 3-синфга киради, титувчилар, тасмачилар ва хом ип ясайдиганлар зарарликни 2-даражасини 3-синфга киради.

Бинобарин, тайёрлаш, йиғириш, бир-бирини такрорлаш участкаларида ва куйдириш участкаларида ишлаётган аёлларни нафас олиш зонаси ипак чанги билан ифлосланган, чангларни тизимли равишда ўпкага ҳаво олиш нафас органларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва сурункали атрофик фарингитларни, назофарингитлар ва ринитларни юзага келишига кўмаклашади (В.П. Саакадзе, 1976).

Ипак йигириш корхоналарини ишлаб чиқариш участкаларини ҳаво ҳарорати баҳор даврида $28,0 \pm 0,2$ дан $31,6 \pm 0,5^\circ\text{C}$ атрофида бўлади, ҳароратни анча юқори даражалари йигириш, бир-бирини такрорлаш, ипни пишитиш ва ипни ўраш участкаларида аниқланган бўлиб, йигириш, бир-бирини такрорлаш, ипни пишитиш ва ипни ўраш машиналарини тез ҳаракат қиладиган қисмларини бир-бири билан ишқаланиши натижасида иссиқлик ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарини барча участкаларида (ипни қайнатиш участкаларидан ташқари) етарлича юқори, бу нисбий намлик $47,2 \pm 0,3$ дан $72,2 \pm 0,9\%$ атрофида бўлади, бу ҳолат технологик зарурият билан боғлиқ (ипак ипини узилишини камайиши) ва вентиляциян-намлантирувчи иш билан таъминланади.

Йилнинг илиқ даврида ҳавони ҳарорати кўрсаткичлари ипак йигиришни асосий ишлаб чиқариш участкаларида нисбий намлик $42,3 - 62,2\%$ ва ҳаво ҳаракати $0,2 - 0,8\text{м/сек}$ бўлганда ҳаво ҳарорати $31,0$ дан 34°C атрофида бўлади. Йилнинг илиқ даврида смена мобайнида ҳарорат индексини ҳисоблаб чиқиш шуни кўрсатдики, ушбу ҳарорат индекси асосий касбий гуруҳдаги аёллар учун ўртача $30,2$ дан $30,7^\circ\text{C}$ атрофида бўлади (РЭД $27,0 - 30,2^\circ\text{C}$), яъни ҳарорат индекси кўрсаткичи бўйича ипак ишлаб чиқариш корхоналари аёлларини иши зарарликни 1-даражасини 3-синфига киради.

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналари ускуналари ишчи жойларда шовкинни юзага келтиради, ушбу шовкин турғун тавсифга эга бўлиб ўртача частотали синфга киради: ипларни қайнатиб тайёрлаш участкасида шовкин манбаи бўлиб қуритувчи камера ва пиллаларни кесадиган машиналар ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 87 дБ; тайёрлаб бериш участкасида шовкин манбаи бўлиб юмшатиш, тола титадиган, тасмалайдиган, тарокли титадиган ва хом ип ясайдиган машиналар ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 86 дБ; ипак йигириш участкасида шовкин манбаи бўлиб йигириш машиналари ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 88 дБ, бир-бирини такрорлайдиган участкада - бир-бирини такрорлайдиган машиналар ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 84 дБ, ипни пишитиш участкасида - ипни пишитиш машиналари ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 94 дБ, ип ўрайдиган участкада - ипни ўрайдиган машиналар ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 86 дБ, қуйдириш участкасида - газ билан қуйдириш ускуналари (газли горелкалар) ҳисобланади, шовкинни умумий даражаси 93 дБ.

Шундай қилиб, ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарини анчагина аҳамиятга эга бўлган ножўя ишлаб чиқариш омиллари бўлиб шовкин ҳисобланади, унинг умумий даражаси турли хил ишчи жойларда руҳсат этилган даражадан 3 дан 13 дБ гача ошиб кетади.

Шовкин бўйича қуритувчиларни, титувчиларни, тасмачиларни, хом ип ясайдиганларни, йигирувчиларни ва ип ўровчиларни меҳнат шароити зарарликни 1-даражасини 3-синфига киради, ип пишитувчиларни ва газ билан куйдирувчиларни меҳнат шароити зарарликни 2-даражасини 3-синфига киради.

Ўритилганлик даражаси ва табиий ёруғлик коэффициенти гигиеник меъёрларга мос келмайди. Ҳамма корхоналарда сунъий ўритувчанлик люминесцентли лампалар билан амалга оширилади, табиий ўритилганлик эса ён томондаги ёруғлик тирқишлари орқали.

Ҳамма корхоналарда сунъий ўритувчанлик люминесцентли лампалар билан амалга оширилади, табиий ўритилганлик эса ён томондаги ёруғлик тирқишлари орқали. Тирқишдан тушаётган ёруғликни керагича олиб ташлаганда ишчи жойларни ўритилганлик даражаси камаяди, ТЭК — 0,07 - 0,1% бўлганда ишчи жойларни юзасини ўритилганлик даражаси ўртача 30 — 60 лкга тенг (йигириш, ипни пишитиш, ип ўраш). Кўрувга оид ишлар билан ишлайдиган ишлар учун ўритувчанлик меъёри жуда юқори аниқликда (2-чи разряд), уларга ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарини асосий касбий гуруҳдаги аёллар киради, 500 лк, табиий ўритувчанлик коэффициенти (ТЭК) — 1,2%.

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарини ўритилганлик бўйича меҳнат шароити зарарликни 1-даражасини 3-синфига киради.

Асосий касбий гуруҳдаги аёлларни меҳнат жараёни зўриқтирувчи тавсифга эга эканлиги, монотонлиги, юқори сенсорли юкламалар (узилган ипни баргараф қилишда сменани 75% дан ортигини аҳамиятли равишда кўриш қобилиятини зўриқиши) билан ажралиб туради. Ишлар тик турган ҳолатда, смена давомида тана қисмини 30° дан 300 маротабагача тизимли ўтишлар билан эгилган ҳолатда бажарилади.

Меҳнат жараёнини зўриқтирувчанлиги бўйича ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчи аёлларни меҳнат шароити зарарликни 3-даражасини 3-синфига киради, меҳнат жараёнини оғирлиги бўйича зарарликни 2-даражасини 3-синфига киради.

Шундай қилиб, ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарини асосий касбий гуруҳдаги ишчи аёллар меҳнат жараёни фаолиятида ишлаб чиқаришни ноҳўя омиллари таъсири остида бўлишлари аниқланди, зарарли ишлаб чиқариш омилларини мажмуи бўйича ишчи аёлларини меҳнат шароити **3-даражали зарарлиликнинг 3-синфига** мансуб бўлиб, улар ишлаётган аёлларни организмни функционал ўзгаришини юзага келтириши ва иш қобилиятини турғун пасайишига ёки саломатлигини бузилишига олиб келиши мумкин.

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарини асосий касбий гуруҳдаги ишчи аёллар меҳнат шароити ва меҳнат жараёнлари тавсифи иш динамикасида иш қобилиятини кескин пасайиб кетишига олиб келади, ишчи аёлларни рухий-эмоционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, уларда физиологик реакцияларнинг ноҳўя силжишларини юзага келтиради.

Йилнинг баҳор даврида ишлаб чиқаришда толиқиш асаб жараёнларини ҳаракатчанлигини пасайишида, табақалаштириш ва диққат-эътибор функциясини сустрлашиши билан, тормозланишни кетма-кетлигини кучайиши билан, гипертензив тавсифга эга бўлган юрак-қон-томир тизимини функционал ҳолатини компенсатор зўриқиши билан, мушак бардошлигини ва кўрув анализаторини сезиш бўсағасини камайиши билан намоён бўлади.

Йилнинг ёз даврида ишчи жойларда ҳавони юқори ҳароратларида ва нисбий намлигида физиологик реакцияларнинг силжишларни яққол намоён бўлиши ва ишлаб чиқаришдаги толиқиш кучаяди, бу юрак-қон-томир тизимининг захиралари аҳамиятли даражада сусайиши билан, марказий асаб тизимида (МАТ) да тормоз жараёнларини устунлик қилиши билан, асаб-мушак тизими ва кўрув анализаторини кўрсаткичларини ўзгариши билан, физиологик силжишларни йўл қўйилиши мумкин бўлган катталикларидан ошиб кетиши билан намоён бўлади

Йилнинг ёз даврида иш динамикасида терморегуляциянинг аҳамиятли равишда кучайиб кетиши аниқланди, яъни бу ҳолат иссиқликни узатишда бузилишлар билан, самарасиз тер ажратиш, тананинг ва тери қопламларини юқори ҳарорати билан, иссиқлик ҳолатини субъектив баҳолашни ёмонлашуви билан намоён бўлади.

Иш қобилиятини ишончли равишда яққол пасайиши ва сменанинг учинчи ва олтинчи соатларига бориб аёлларда физиологик реакцияларнинг кўрсаткичларини ёмонлашиши аниқланди.

Иш динамикасида иш қобилияти даражасини пасайиб кетиши ва ишлаётган аёлларни руҳий-ҳиссий ҳолатини ёмонлашуви ноҳўя ишлаб чиқариш омиллари билан, шовқинни юқори даражаси билан (турли хил касбий гуруҳлар бўйича корреляция коэффиенти 0,71 – 0,96 ни, детерминация коэффиенти 68,8 – 90,2% ни ташкил қилди), чанглилик ва ёритувчанлик бўйича ўртача (корреляция коэффиенти 0,47 – 0,62 ни, детерминация коэффиенти 20,7 – 56,8% ташкил қилади) боғлиқлик мавжудлиги қонуниятини аниқланди.

3. МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

3.1. Чангни ноҳўя таъсир кўрсатишини чеклаш бўйича чоратадбирлар.

Чангни ноҳўя таъсир қилишини чеклаш бўйича энг радикал чоратадбирлардан бири уларни ҳосил бўлиш манбаида камайтириш ҳисобланади (герметизациялаш, узлуксиз намлик), шунингдек чангни маҳаллий механик окимли – тортиб оладиган вентиляция ёрдамида бартараф қилиш ва бунда тортиб олиш тезлиги ишчи туйнукда чанг учун 3 – 4,5м/с кам бўлмаслиги керак.

Ипак чанги остида бўладиган ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи барча ишчи ходимлар «Ишчи ходимлар ва хизматчиларга учун бепул махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа химоя воситаларини берилишини турли меъёрлари» бўйича махсус кийим ва шахсий химоя воситалари билан таъминланиши керак. Нафас олиш органларини шахсий химоя воситаларидан (ПН-19 ёки «Лепесток» турли) респираторлардан фойдаланиш керак.

3.2. Метеорологик шароитларни меъёшлаштириш бўйича чора-тадбирлар.

Ортикча иссиқлик ва намлик билан курашиш учун ипак йигириш корхоналарини асосий цехларини ҳароратли-намли тартибни бошқариш бўйича автоматик аппаратура билан таъминлаш зарур. Йилнинг илик даврида ишчи жойларда нисбий намлик 55% дан кам бўлмаганда ва ҳаво ҳаракати 0,3 – 0,5 м/сек бўлганда ҳавони ҳарорати 31°C дан ошмаслиги керак. Йилнинг совуқ ва ўтиш даврида нисбий намлик 40 – 60% бўлганда ва ҳаво ҳаракати 0,2 м/сек кам бўлмаганда ҳаво ҳарорати 22 – 24°C ни ташкил қилиши керак (0324-16 сонли СанҚваМ).

Барча кондиционерлар узлуксиз ишлаши керак, бунда улар ҳавони жуда яхши тозалаши ва совутиши керак, яъни бир соат давомида цехлардаги ҳавони камида 20 марта алмаштиришни таъминлаши керак. Йилнинг совуқ даврида цехларда ҳаво айланишини қўллаганда бир нафар ишчи учун 60 м³/соатига кам бўлмаган ташқи ҳавони етказиб туриши керак.

Берилаётган ва олиб ташланаётган ҳаво миқдорини баланслаштириш керак, ўқ бўйлаб йўналтирилган тортиб олувчи вентиляторларни сонини кўпайтириш керак, бунда цехларни юқори ва пастки зоналаридан ҳаво оқимини тортиб олишни кучайтириш керак. Махсус эътибор бунда кондиционердан анча узоклаштирилган ишчи жойга қаратилган бўлиши керак, яъни юқори ҳарорат қайд этилган жой, шунингдек совутилган ҳаво ортиги билан бериладиган участкаларга ва ишчи ҳудудни ҳаво ҳарорати илик даврда 22 – 23°C гача пасйтиради, юқори ташқи ҳароратга янгидан мослашиш бу ишчилар организмга нојўя, совитувчи таъсир кўрсатади.

3.3. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги шовқинни камайтириш бўйича чора-тадбирлар.

Ишчиларга шовқинни нојўя таъсир қилишини чеклаш бўйича профилактик чора-тадбирлар 12.1.003-83 сонли «МХСТ. Шовқин. Хавфсизликни умумий талаблари» Давлат стандартларига биноан ўтказилиши керак.

Шовкинни жадаллигини камайтириш бўйича чора-тадбирлар турли йўналишларда ўтказилиши керак. Шовкин билан курашишда энг радикал услублардан бири уни ҳосил қиладиган манбани сушлаштириш керак (технологик чора-тадбирлар). Шундай чора-тадбирларни ўтказиш учун кам шовкинли машиналар ва механизмларни жорий қилиш, металл қисимларини пластмассаларга алмаштириш, технологик жараёнини ўзгартириш керак.

Шунингдек демпфирловчи прокладкалардан ва резиналардан, тикинлардан, войлокдан фойдаланган ҳолда товушни сингдириб юбориш ва товушни изоляция қилиш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш зарур, юзаларни ўраб турувчи экранларни, шовкинни пасайтирувчи мосламаларни қўллаш керак. Ишлаб чиқариш хоналарида шовкинли дастгоҳларни тепасига осиб қўйиладиган товушни ўзига сингдирувчи тўсиқлар ва ҳажмли товуш ютгичлар қатта самара беради. Диафрагмалар ҳона баландлигини $\frac{1}{4}$ қисмига эга бўлиши керак, улар товушни ўзига сингдириб юборадиган материаллар билан ишлов берилади, шифтга ва устунлар ўртасига маҳкамланади.

Шовкинни камайтириш бўйича радикал чора-тадбирларни бажаргунча барча ишчиларни шовкиндан асраш учун шахсий химоя воситалари билан таъминлаш, уларни бутун иш куни давомида мажбурий қўллаш керак. Эшитув органларини шахсий химояси сифатида антифонлар-ичига «Беруши» туридаги синтетик мато қўйилган, «Украина» туридаги тикинлар, «ВЦНИИОТ» кулокни ичига такадиган мослама ва бошқаларни қўллаш тавсия қилинади, ушбу мосламаларнинг барчаси шовкин ўтказувчанлигини 15 – 30 дБ га камайтиради.

3.4. Ишлаб чиқаришдаги ёритувчанликни гигиеник рационализация қилиш бўйича чора-тадбирлар.

Ишчи жойдаги ва ишлаб чиқариш майдонларидаги сунъий ёритувчанлик етарли бўлиши керак ва амалдаги табиий ва сунъий ёритилганлик меъёрларига мос бўлиши керак. (2.01.05-98 сонли КМК «Табиий ва сунъий ёритувчанлик»).

Ишчи жойларни ёритувчанлигини юқори аниқликдаги кўрувга оид ишлар учун зарур бўлган ёритувчанлик даражасига олиб чиқиш керак, буларга ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарни асосий касбий гуруҳдаги ишчи ходимларни меҳнати киради, агарда табиий ёритувчанлик коэффиценти 1,5% бўлганда 200 – 400 лк гача бўлади.

Табиий ёруглик бўлмаган ишчи жойларда ёритилганликни 750 лк гача олиб чиқиш керак.

Бир хил спектрал таркибни ва ёруғлик оқимини диффузлигини, уни юқори ёруғлигини таъминлаш учун бузилган чироқларни ўз вақтида алмаштириш керак, ёритувчи ускуналарни чанг ва ифлос бўлишидан доимо тозалаб туриш лозим. (камида 1 ойда бир марта). Эксплуатация жараёнида лампаларни катта қувватини ва ёритувчи ускуналарни турларини, сонини, уларни осиб қўйиш баландлигини ўзгартиришга йўл қўйиш керак эмас. Тармоқ оқимини пульсациясини чегараловчи схема бўйича люминесцент лампаларни ёқишни таъминлаш керак.

Ишлаб чиқаришдаги ёритувчанликни ўрнатиш ва ишлатганда сояларни бартараф қилиш ёки юмшатиш, яркироклигини ва қамаштирувчилигини чегаралаш зарур. Ипак йиғириш корхоналарини барча ишлаб чиқариш хоналарини кўзларни қамаштириш кўрсаткичи кўрув ишлари разрядини ва ишчи ходимларни ишлаб чиқариш хоналарида доимий бўлишини ҳисобга олган ҳолда чегараланиши керак. Кўзни қамаштириш кўрсаткичи 40 га тенг бўлиши керак.

3.5. Меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилиш бўйича тавсиялар.

Ишчи ходимларда иш қобилиятини ошириш ва толиқиб қолишни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўртасида энг самарадорлиги бўлиб меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилиш ҳисобланади. Меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини такомиллаштириш меҳнат қилишни илмий ташкил қилиш йўналишларидан бири ҳисобланади. Меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилиш қуйида йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади:

- 1) ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш;
- 2) иш қобилиятини юқори ва барқарор даражасини сақлаб туриш;
- 3) ишлаб чиқаришдаги толиқишни профилактикаси.

Ишлашни оддий бўлган элементлардан бошлаш керак, аста-секин анча мукамалларига ўтиш, меъёр ва ритмга риоя қилиш, ритмли ишда меҳнат умумдорлиги аҳамиятли равишда ошишини ҳисобга олган ҳолда.

Ишга «киришиш» ни тезлаштиришда шундай чора тадбирлар кўмаклашади, кириш гимнастикаси, функционал мусиқа (ритмли мусиқалар, тартибли қўзғатувчи ҳисобланиб ва ўзига хос бўлмаган фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади), мақбул бўлган иш даражасига физиологик функцияларни тўғирлаш.

Кириш гимнастикаси «эрта жисмоний-пауза» деб номланадиган кўринишида физиологик жараёнларни кечишини тезлаштириш мақсадида иш куни бошланишидан 15 – 20 дақиқа ўтгандан кейин 5 – 7 дақиқа давомида ўтказилиши керак, шу билан бирга ишга катта тайёргарликни таъминлаш.

Бу ерда жисмоний машқларни таъсир кўрсатиши ишлаб чиқариш жараёни билан қўшилган ҳолда олиб борилади ва жисмоний тарбияни ижобий самараси аҳамиятли равишда узок вақт сақланиб туради.

Барқарор иш қобилияти меҳнат унимдорлигини энг яхши кўрсаткичлари ва ишчи динамик стереотипни барқарорлиги билан тавсифланиб, регламентланган танаффуслар билан қўллаб-қувватланади. Иккита қўшимча регламентланган танаффуслар олиб бориш керак, яъни 3 ва 6 чи иш соатида. Қўшимча танаффусларни мақбул микроклим шароитларида махсус хонада (рухий юклама хонаси) ўтирган ҳолатда ўтказиш керак. Ушбу танаффуслар вақтида кўрув анализаторидан ва диққат қилиш функциясидан зўриқишни олиб ташлаш учун кўзнинг цилиар мушаклари учун махсус машқлар мажмуасини ўтказиш тавсия қилинади.

Кўз учун машқлар мажмуаси

1. Кўз мушакларини 1 -4 деганда зўр куч бериб таранг қилган ҳода кўзларни юмиш, сўнг кўз мушакларни бўшаштириб кўзларни очиш ва 1 – 6 деганда узокка қараш керак. Ушбу машқни 4 – 5 марта қайтариш керак.

2. Бурун тўсиғига қараш ва 1 – 4 деганда нигоҳни сақлаб туриш. Кўзни чарчатгунча олиб бориш керак эмас. Шундан сўнг кўзларни очиб 1 – 6 деганда узокларга қараш керак. Ушбу машқни 4 – 5 марта қайтариш керак.

3. Диаганал бўйича нигоҳни тез ўтказиш керак: тепага – чапга – пастга, 1 – 6 деганда узокка қараш керак; сўнг чапга – тепага – ўнгга – пастга ва 1 – 6 деганда узокларга қараш керак. Ушбу машқни 4 – 5 марта қайтариш керак.

4. Кўз мушакларини зўр бермасдан таранг қилмаган ҳода кўзларни юмиш, сўнг 1 – 4 деганда кўзларни очиб мушакларни бўшаштириб кўзларни очиш ва 1 – 6 деганда узокка қараш керак. Ушбу машқни 4 – 5 марта қайтариш керак.

5. Бошни айлантормасдан (бошни тўғри тутиш кекрак) кўз билан секин айланма ҳаракатлар қилиш керак тепага – пастга – чапга ва қайта ўз жойига: тепага – пастга – чапга. Сўнг 1 – 6 деганда узокка қараш керак.

6. 1 – 4 деганда 30 см гача бўлган масофа узокликда бўлган предметдаги нигоҳни аниқлаб олиш, сўнг 1 – 6 деганда нигоҳни узокка қаратиш лозим. Ушбу машқни 4 – 5 марта қайтариш керак

6 тасидан 3-та вариант машқларни хоҳлаганини бажариш керак.

3.6. Даво-профилактик тавсиялар.

Аёлларни ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналари цехларига ишга қабул қилганда, яъни доимо жадал ишлаб чиқариш шовқини кузатилганда 10.07.2012 йилдаги 200 сонли «Ишчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирини буйруғига асосан отоларингнолог ва невропатолог иштирокида дастлабки, иш вақтида – даврий тиббий кўриқларни ўтказиш керак, бундан ташқари кўрсатмалар бўйича ишчилар терапевт кўригидан ҳам ўтиши керак.

Маиший хоналарни гардероб, душ қабул қилиш хоналари, ювиниш хоналарини, ҳожатхоналар, аёлларни шахсий гигиенаси учун хоналар, кўкрак сути билан боқиладиган болалар учун хона, ичимлик суви билан таъминлаш қурилмалари ва бошқалар билан жиҳозлаш зарур. Қўшимча хоналар ишчилар сонига мос қилини керак. Уларни лойиҳалаштирганда ва қуришганда 2.09.04-09 сонли «Корхоналарни маъмурий ва маиший бинолари» ШНК ни талабларига мувофиқ тарзда бажариш керак.

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналари махсус маиший хоналар таркибида ишлаётган аёлларни оёқларидаги жисмоний юкламани ноҳўя таъсир кўрсатишидан ва ортостатик ишчи ҳолатда бўлишидан ҳамда қиздирувчи микроклимни таъсир қилиши натижасида келиб чиқадиган зўриқишни камайтириш мақсадида оёқлар учун ванна қурилмалари кўзда тутилиши керак.

Ўзбекистонни иссиқ ёз шароитларида ишлаётган аёллар организмини терморегулятор функцияларини зўриқишини, ёз даврини ҳисобга олган ҳолда барча ишчилар ва мутахассисларни юқори ичимлик воситалари билан таъминлаш керак (С витамини қўшилган совутилган кўк чой тавсия қилинади, яъни 50 мг 1 литр чой ҳисобида ҳисобланади), ҳар бир ишчи учун 3 – 4 литр чой керак.

Ҳар куни куйидаги дозаларда витаминлар билан бепул таъминлашни жорий қилиш аёлларни иш қобиляти ҳолатига ижобий таъсир қилади: витамин А – 2 мг; витамин Р – 3 мг; витамин В₂ – 3 мг; витамин С – 150 мг; витамин РР – 20 мг.

Витаминларни тарқатиш смена давомида 1 марта тушлик танаффусни охирида тавсия қилинади.

Ушбу услубий тавсияларни фанга, ишлаб чиқаришга ва таълим тизимига тадбиқ қилиш ижтимоий, халқ-хўжалигида, тиббий аҳамиятга эга бўлади ва иқтисодий самарадорлик ноҳўя ишлаб чиқариш омиллари даражасини 5 – 7% фоизга камайиши ҳисобига ипак йиғириш ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитини яхшилашга, иш қобилиятини ва меҳнат унумдорлигини 8% га ошишига, ўқитувчилик жараёни сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Меҳнат шароитини яхшилаш бўйича ушбу услубий тавсияларни тадбиқ қилишда мўлжалланган иқтисодий самарадорлик вақтинча ишга яроқсизлик бўйича касаллик варақасига тўланадиган молиявий харажатлар ва касбий пенсиялар ҳисобига, аёлларни умумий ва касбий касалланишини 10 – 12% га камайгани ҳисобига бўлади.

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САНИТАРИИ,
ГИГИЕНЫ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

ИСКАНДАРОВ А.Б.

**ОЗДОРОВЛЕНИЕ УСЛОВИЙ ТРУДА ЖЕНЩИН,
РАБОТАЮЩИХ НА ШЁЛКОПРЯДИЛЬНЫХ
ПРОИЗВОДСТВАХ**


Методические рекомендации

Ташкент – 2021 г.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фан ва таълим
бошқармаси бошлиғи
т.ф.д., профессор


У.С. Исмаилов
« 15 » 2021 й.

ИПАК ЙИГИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА
ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИ МЕХНАТ ШАРОИТИНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ

(услубий тавсиянома)

«ТАСДИҚЛАЙДИ»

Ў.Т. Селиванова
Бошқарма илмий фан ва таълим
муҳофизатлари Бўлими

15.01.2021
У.С.И. 20

Тошкент – 2021

УЧРЕЖДЕНИЕ-РАЗРАБОТЧИК:

- Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профзаболеваний Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (НИИ СГПЗ МЗ РУз)

АВТОР:

